

ЎЗБЕКЛАРНИНГ ФАРЗАНД КЎРИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ҚАРАШЛАРИДА ҚАДИМГИ ЭЪТИҚОДЛАРНИНГ ЎРНИ (Жиззах воҳаси мисолида)

Ақчаев Фаррух Шавкатович
Жиззах давлат Педагогика институти
доцент, тарих ф.б.ф.д (PhD)

Аннотация. Ушбу мақолада ўзбек халқининг фарзандли бўлиш билан боғлиқ қарашлари, урф-одатлари ваанъаналарида қадимги диний эътиқодларнинг ўрни тўғрисидаги фикрлар дала-этнографик тадқиқотлар асосида очиб берилган.

Калит сўзлар. Шомонлик, зардуштийлик, зиёратгоҳ, микроэтнографик минтақа, Қоплон ота, Хўжа Сероб ота, Хўжабоғбон ота, Жондаҳор ота, Саъд ибн Абу Ваққос, Боғимозор ота, урф-одат, бахши, қонлаш.

Аннотация. В данной статье на основе полевых этнографических исследований раскрываются взгляды узбекского народа на деторождаемость, роль древних религиозных верований в обычаях и традициях.

Ключевые слова. Шаманизм, зороастризм, святыня, микроэтнографический регион, святыня Ходжа Сероб ота, Коплон ота, Ходжабоғбон, Джонда-хор, Саад ибн Абу Ваккас, Богимазар ота, традиция, бахши, жертвоприношение.

Abstract. This article, based on field ethnographic research, reveals the views of the Uzbek people on fertility, the role of ancient religious beliefs in customs and traditions.

Keywords. Shamanism, Zoroastrianism, shrine, micro-ethnographic region, shrine of Khoja Serob ota, Koplun ota, Khodjabogbon, Jondakhor, Saad ibn Abu Wakkas, Bogimazar ota, tradition, bakhshi, sacrifice.

Дунёда инсон учун хос бўлган барча муаммоларни икки қисмга бўлиш мумкин. Буларнинг биринчиси азалий ва иккинчиси ўткинчи муаммолардир. Номланишидан ҳам маълумки, бирор бир аҳамияти унчалик катта бўлмаган муаммолар ўз ечимини топгандан сўнг унут бўлади. Аммо, инсон, унинг дунёга келиши, яшашдан мақсад, ҳаётнинг мазмуни каби бир қанча фалсафий тушунчалар борки, биз уларни азалий муаммолар сафига қўшамиз. Сабаби, ҳали бирор бир киши бу муаммоларнинг мазмунини аниқ ва равшан ёритиб беролмаган.

Юқорида келтирилган киши ҳаёти билан боғлиқ фалсафий тушунчалар тўғрисида жаҳоннинг барча халқларида ўзига хос дунёқараш шаклланган бўлиб, унга ҳар бир миллат ва дин вакиллари турлича жавоб беришади. Лекин биз ўзбеклардан инсон нима учун дунёга келади? Ҳаётнинг мазмуни нимада? –деб, сўрасангиз жавоблар деярли бир хил, оила қуриш, фарзандли бўлиш, Аллоҳ насиб этган фарзандларни тўйини ва бахту камолини кўриш ...- деган хулосавий фикрлар билан чекланади.

Ҳақиқатдан ҳам, инсоният тарихий тараққиётида оила қуриш ва бахтли ҳаёт кечиришнинг энг муҳим амалиётларидан бири бу - зурриёт қолдиришдир. Шунинг учун ҳам аёлнинг бебаҳо ҳислатларидан бири унинг

фарзанд кўриши деб ҳисобланган. Болага меҳр қўйиш, кўп болали оилаларни ҳурмат қилиш, оилага серфарзандликни тилаш каби эзгу ниятлар ўзбеклар миллий руҳиятининг ифодаси бўлиб, халқ орасида қадимдан фарзанд кўриш бахти энг юксак саодат ҳисобланган. Шу туфайли фарзанднинг кишига чексиз қувонч ва катта маънавий куч бағишлашини ифода этувчи жуда кўп мақол, қўшиқ, эртак ва достонлар яратилган [17,54]. Шу билан бир қаторда аجدодларимиз учун миллий менталитети даражасига кўтарилган, яшашнинг асосий мақсади бўлган фарзандли бўлиш билан боғлиқ қарашлари, анъаналари ва урф-одатлари узоқ минг йилликлар давомида шаклланган.

Халқимиз томонидан эъзозланиб келинаётган анъаналар ва урф-одатлар фақат ўтмишдан бизгача етиб келаётган номоддий ёдгорликларгина эмас, балки барча маънавий бойликларнинг таркибий қисми, инсон ақл-идроки ва тафаккурининг буюк ютуғи ҳамдир. Ҳар бир миллат ва элат аجدодлари томонидан яратилган бойликларидан, тажриба ва тарихий сабоқларидан, одоб-ахлоқ, таълим-тарбияга оид ўғитлари ва йўл-йўриқларидан фойдаланади, буларсиз яшай олмайди. Урф-одат ва маросимлар ҳам ўзбек менталитетининг шаклланишига таъсир кўрсатгани каби, этнология ва маданий антропология назариясига асосан жамоа-этнос-миллатнинг тарихий шаклланиш жараёнида асосий ҳисобланган биологик, географик, иқтисодий, тил ва маданият каби омилларнинг мужассам таъсири натижасида минг йиллар давомида шаклланади.

Республикамиз ҳудудларида фарзандли бўлиш билан боғлиқ аҳоли ўртасидаги қарашлар, анъаналар, урф-одатлар ҳамда ўтказиладиган турли маросимлар умумий ва хусусий жиҳатлари билан ажралиб туради. Юртимиз миқёсида кўриб чиқадиган бўлсак, барча минтақаларда ўтказиладиган маросимлар ва иштирокчилар томонидан амлга ошириладиган одатлар қарийб ўхшаш ҳолатда ташкил этилади. Лекин, айрим хусусий ҳолатлар ҳам мавжудки, бу жараён аҳолининг турмуш тарзи, кундалик машғулоти, орзу-истаклари ва маҳаллий анъаналар билан боғлиқ қарашлардаги ўзига хослик асосида юзага келади. Чунки, анъана, урф-одат ва маросимларнинг юзага келиши ва халқ ижтимоий ва диний ҳаётида муҳим ўрин эгаллаши мураккаб жараён бўлиб, унга бир қанча омиллар таъсир ўтказади. Яъни, миллий ўзига хосликлар узоқ тарихий даврдаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий жараёнлар, табиий-географик ўрнашув, аҳолининг машғулотлари, ўзаро этномаданий алоқалар, диний мансубликлар асосида қарор топади ва айнан мана шулар ҳамда халқнинг руҳий-психологик қарашлари негизида қадимий анъаналар, урф-одатлар ва маросимлар шаклланади [3,189].

Фарзандни дунёга келтириш билан боғлиқ қарашларнинг халқ онгида сақланиши ва бугунги кунга қадар етиб келишида аҳолининг диний қарашлари, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналари ўзига хос аҳамиятга эга эканлигини кузатиш мумкин. Жиззах воҳаси халқларининг фарзанд кўриш билан боғлиқ маҳаллий аҳоли дунёқараши, асосан, исломий амалларга асосланган бўлсада, лекин айрим ўринларда қадимий эътиқодлар билан боғлиқ тасавурлар ҳам учрашини кўриш мумкин. Тарихдан аёнки, Марказий Осиёга ислом дини кириб келгунига қадар бу ерда кўплаб қадимий динлар ва диний қарашлар ҳукмронлик қилган. Аجدодларимизнинг тарихий шароит ва табиат ҳодисаларининг моҳиятини англашга интилиши, табиат ва жамият

ҳодисаларига ибтидоий қарашлари кўплаб диний эътиқодларнинг келиб чиқиши ва тарқалишига сабаб бўлди ва натижада тотемизм, афсунгарлик (магия), руҳлар эътиқоди билан боғлиқ шомонлик, зардуштийлик каби қадимий диний қарашлар ва диний эътиқодлар вужудга келди [2,19].

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бугунги кунда воҳа халқлари орасида қадимий эътиқод излари яққол ажралган ҳолда намоён бўлмайди, балки айрим элементлари ислом дини қарашлари билан симбиоз [18,417] тарзда учрайди. Бунинг сабаби сифатида жамият ҳаётида рудемент кўринишда сақланган илк диний қарашларга хос хусусиятларни исломий қоидалари билан интеграциялашуви ҳамда бир муддат аҳолининг турмуш тарзида диний муносабатларнинг тақиққа учраганини келтириш мумкин.

Ўзбекистоннинг бошқа тарихий-этнографик минтақалари каби Жиззах воҳаси ҳам ўзига хос, муҳим микроэтнографик минтақа ҳисобланиб, воҳанинг минг йиллар мобайнида қулай географик ўрни сабаб ғоят хилма-хил маданиятлар ва анъаналар туташган, ўзаро уйғунлашган ҳолда шаклланган ҳудуд сифатида қайд этиш мумкин. Шундан келиб чиққани ҳолда Жиззах воҳаси аҳолисининг фарзанд кўриш билан боғлиқ қарашлари ва урф-одатлари турли (исломдан аввалги диний эътиқодлар ва исломий анъаналар) кўринишларда амалга ошириб келинади.

Тадқиқотлар жараёнида қўлга киритилган этнографик маълумотлар асосида фарзандли бўлиш билан боғлиқ қарашларда қадимги эътиқодлар излариқуйидаги ҳолатларда кўзгаташланишининг гувоҳи бўлди: Муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳларда ўтказилаётган урф-одат ва маросимларда; айрим атрибутларни муқаддаслаштиришда; баъзи кишилар томонидан ўз хонадонларида ташкил этиладиган одатлар ҳамда маросимларда учрайди.

Марказий Осиё ҳудудига ислом дини кириб келгунга қадар ҳукмронлик қилган шомонлик, зардуштийлик каби диний эътиқодлар ва турли хилдаги диний қарашлар бугунги кунда расман барҳам топган бўлсада, лекин уларнинг излари кўплаб маросим ва одатларда айниқса муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳлар билан боғлиқ турфа хил расм-русумларда ҳамда халқона қарашларда сақланиб қолганини кўриш мумкин. Вилоятнинг Янгиобод туманидаги Хўжамушкент ота зиёратгоҳига тез-тез келиб турувчи ахборотчимизнинг таъкидлашича, бир неча йиллар фарзанд кўрмаган қизини ушбу зиёратгоҳга олиб келиб, шифобахш сувлардан ичириб, дуо олиб кетгач, орадан вақт ўтиб қизи фарзандли бўлган. Шундан сўнг, ушбу оила бу зиёратгоҳга мунтазам кела бошлаган [14, дала ёзувлари]. Бу каби ҳолатлар эса кишилар орасида зиёратгоҳларга ҳар йили ўз оиласи билан зиёратга келиб, қурбонликлар қилишни талаб қилган.

Шунингдек, Зомин тумани Увол қишлоғидаги “Парпиойим” зиёратгоҳига келган эҳтиёжманд кишилар, яъни бефарзанд аёллар зиёратгоҳдан оқиб ўтувчи Уволсойдаги “дардлардан халос этувчи тош”дан учтасини олиб кетишади ва ўша ердаги тешиктошдан 3 марта ўтиб, ушбу тошларни белларига боғлайдилар. Одатга кўра, фарзандли бўлгач, ҳалиги 3 та тошни, албатта, қайтариб зиёратгоҳ ҳудудига олиб келиб, жонлиқ сўйиб маросим ўтказиб кетиши керак [11, дала ёзувлари] бўлади. Зиёратчилар бу ҳаракатлар натижасида кўзлаган мақсадга эришиш мумкин, деган ақида асосида маросимларни бажаришади.

Воҳа зиёратгоҳларида кенг тарқалган амаллардан яна бири – у ердаги булоқларга ташриф буюрувчилар ният айтишиб, сўнгра танга, мунчоқ, тош, мато парчаси, нон увоқлари ташлайдилар. Бу жараённинг ўзига хос томонларидан бири шуки, Қоплон ота, Хўжа Сероб ота, Хўжабоғбон ота, Жондаҳор ота, Саъд ибн Абу Ваққос ва Боғимозор ота зиёратгоҳларидаги муқаддас булоқлар алоҳида тилга олиниб, уларга нарса ташлаш тақиқланади. Яъни, уларга нисбатан табу қўйилган бўлсада, зиёратчилар ният қилиб юқорида айтилган предметларни ташлашни канда қилмайди. Ахборотчиларнинг берган маълумотларига кўра, қадимдан маҳаллий аҳоли орасида “кимки ушбу булоқларга эзгу ниятда келиб, дуо қилиб, булоқларга қўл тикса-ю, унинг қўлига бирор бир буюм илинса, унинг муроди хосил бўлади”, деган қараш устувор аҳамият касб этиб келган. Шу боис аксарият бефарзанд аёллар юқорида келтирилган зиёратгоҳларга келиб, турли дуолар ўқиб, ният қилиб булоққа қўл солганлар. Қайси бир аёл булоқдан одам шаклига ўхшаш тошча топса, демак, у яқин орада фарзанд топиш бахтига муяссар бўлади [7, дала ёзувлари], деган қараш шаклланган.

Воҳа аҳолисининг фарзандли бўлиш мақсадида муқаддаслаштирган атрибут бу юқорида таъкидланган муқаддаслаштирилган булоқлардир. Ахборотчиларнинг айтишича, маҳаллий аҳоли ўртасида булоқлар кишиларнинг келажак тақдиридан хабар берувчи восита сифатида талқин қилинади [5, дала ёзувлари]. Шу сабабдан ҳам, ҳар бир зиёратчи тақдирини билиш учун булоққа қўл солади. Бу жараёнда булоқда зиёратчи қўлига нима олса, бу нарса унинг келажаги билан боғлиқ бўлган. Масалан, муқаддас булоқларга асосан, бефарзанд аёллар қўл солиб, ўз бахтларини синаганлар. Агар аёлнинг қўлига булоқ тубидаги бирор-бир мунчоқ, маржон илинса, демак қиз фарзанд кўради, агар унинг қўлига танга ёки ошиқ чиқса, демак, ўғил фарзандли бўлади ёки булоқдан ҳеч нарса топмаса, демак унинг на фарзанди, на бойлиги бўлади, деб қаралган.

Этнографик тадқиқотлар жараёнида воҳа аҳолисининг маросим охирида бажарадиган удумларида ҳам ўзига хос хусусиятлар кузатилди. Парпи ойим ҳамда Хўжа Боғбон ота зиёратгоҳларида ўтказилган маросимлардан сўнг худудидаги сирпанчиқ тошларга сирпаниб кетишлари кузатилди. Ахборотчилар бунинг сабабини гуноҳлардан, турли инсу жинслар таъсиридан ҳамда уларни қийнаб келаятган касалликлар (фарзандсизлик) дан шу жойнинг ўзида фориг бўлиш [10, дала ёзувлари] билан изоҳлашди. Фикримизча, аҳолининг маросимларда фойдаланилган атрибутлар ва предметларни шу жойда қолдиришдан мақсад, барча ёмонликлар ва уларни қийнаётган жиҳатлар шу ерда қолсин, ўзи билан уйга эргашиб кетмасин, – деган фикрдан келиб чиқган бўлса, айримларини олиб кетиш эса маросим аталган туғилажак боланинг келажакига, онанинг соғлигига гаров бўлади, – деган ишончни юзага келтирган.

Жиззах воҳасида фарзандли бўлмаган кишиларни даволашда ҳозирги кунларга қадар Отинойи (кайвани)ларнинг ўрни сезиларли даражада сақланиб қолган бўлиб, улар кишиларнинг ушбу муаммолар билан боғлиқ барча тадбирларида, шу жумладан шахсий хонадонларида ўтказиладиган куйидаги қадимий урф-одат ва маросимларда ҳам бошчилик қилишади. Жумладан, узоқ вақт хомиладор бўлмаган аёлларни даволашда Отинойи

(кайвани)лар томонидан тандирхонага олиб келиб тандирни ичига уч маротаба, баъзи жойларди етти маротаба танасининг ярмига киргизиб, кинна солишлари кузатилди. Маҳаллий аҳоли вакилларида бунинг сабаби сўралганда, аёлнинг ичига кириб олган инс-у жинсларни шу амал орқали қувиш мумкинлигини таъкидлашди [4, дала ёзувлари]. Бизнингча, бу урф-одат ҳам катта эҳтимол билан зардўштийлик эътиқодидаги оловни муқаддас билиш ва у орқали турли ёмон кўзлардан халос бўлишга ишонишнинг ўзига хос бир кўриниши сифатида сақланиб келаётган одат эканлигини таъкидлаш мумкин.

Воҳа хонадонларида кўпчилик иштирокида ўтказиладиган, ўзига хос одатларни мужассамлаштирган навбатдаги маросимлардан бири бу Ақиқадир. Маросим асосан ислом дини анъаналари асосида ташкил этилсада, аммо, унда асосан аёллар томонидан ташкил этиладиган баъзи этнохудудий кўринишлари сақланиб келинмоқда. Масалан, маросим ўтказилгандан сўнг, эҳсон учун сўйилган қўйнинг ошиғини биттасини эҳсон аталган гўдак соғ-саломат улғайсин, чимилдиқ кўрсин, – деган мақсадда олиб қўйишади, иккинчисини эса яхшилаб тозалаб, янги оқ матога ўраб хонадоннинг яқин қариндошларидан фарзанд кўрмаган аёлга яхши ният билан, фарзандли бўлсин, у ҳам ақиқа қилсин деган мақсадда ҳадя этишади. Ахборотчиларимиздан бунинг сабаби сўралганда, бу узоқ вақт эзгу ният қилиб боқилган қўйнинг ошиғи бўлиши билан бир қаторда, кўпчиликнинг дуоси жамланган. Шу боис фарзанд кўрмаган киши буни яхши ният билан мени ҳам фарзандли бўлиш ва ақиқа қилишга етказсин – деб, ният қилса албатта, нияти амалга ошади [12, дала ёзувлари], деган жавоб беришди.

Воҳадаги аксарият хонадонларда қадимдан фарзандли бўлиш мақсадида анъанавий тарзда “Мушкулкушод” маросими ўтказиб келинган. Ушбу маросимининг ўзига хос жиҳати – у фақат аёллар иштирокида ташкил қилинади. Шу боис, воҳа аёллари орасида “чоршанба – кушойиш куни”, деган тушунча мавжуд. Яъни, “чоршанба куни бошланган ишнинг охири бордир” ёки “бу кун нима ният қилинса, шу ижобат бўлади”, деган қараш боис бу кунни Биби Чоршанба, деб ҳам аташади. Аксарият жойларда ўша кунда Мушкулкушод маросими ўтказилиб, Қуръон тиловат қилинган. Демак, чоршанба куни мушкуллардан халос бўладиган кунлиги боис, воҳа аёллари чоршанбани муқаддас билишган.

Бундан ташқари, Жиззах воҳасида истиқомат қилувчи ўзбек ва тожик миллатига мансуб кишиларда чоршанба куни аёллар кир ювиб бўлмаслигини, агар кир ювилса, Биби Сешанба ва Биби Чоршанбаларнинг бошидан мағзава тўккандек бўлади, – деб қараганлар [13, дала ёзувлари]. Воҳа хонадонларида фарзандли бўлиш мақсадида ўтказилган Мушкулкушод маросимининг муҳим якуний жиҳати шундаки, дастурхонга тортилган момолар учун атаб пиширилган бўғирсоқ, девлар учун аталган қатлама сингари таомлар аёллар томонидан бўлиб олинганидан сўнг отин ойи атрофида ўтирган аёллар дастурхонга тортилган майиздан чўпини ажратадилар. Ажратилган чўплар оқ пахта орасига солиб ўралади ва алоҳида идишга солиб хонадан эгасига берилади. Чўпидан тозаланган майиз дастлаб отин ойига, сўнггра даврадаги аёлларга улашилади. Маросим тугаганидан сўнг хонадон эгаси пахта орасига солинган майиз чўпларини тез оқадиган

ариқ сувига оқизади [9, дала ёзувлари].

Худди шунга ўхшаш кўринишни Фарғона водийсида ҳам кузатиш мумкин: Агар ёш келин бир йил ичида фарзанд кўрмаса, қизнинг онаси томонидан Биби Чоршанба маросими ўтказилган. Бунда қатнашган барча аёллар майиз чўпини йиғиб “майиз чўпидаги тугун билан барча мушкуллари ечилиб кетсин”, деган ниятда оқ пахта бўлагига ташлаб бефарзанд келинга топширишган. Келин ўша заҳоти ўз ниятини айтиб бу нарсани оқаётган сувга ташлаб юборган [1,92]. Маҳаллий аҳоли дастурхонга тортилган майизни чўпидан ажратиш инсонларни мушкуллари осон қилади, уларга ёпишиб олган касалликлар (фарзандсизлик)дан фориғ бўлишга ёрдам беради ва турли инсу жинсларни инсон танасидан ҳайдайди, гуноҳларидан поклайди [6, дала ёзувлари], – деган қарашга ишонишади.

Бошқа ҳудудларда бўлгани каби Жиззах воҳаси аҳолиси орасида ҳам фарзандли бўлиш истагидаги кишилар орасида бугунги кунгача сақланиб қолган одатлардан бири бу кўпчиликдан дуо олиш анъанасидир. Бу анъана кўпқари ўйинларида яққол намоён бўлади. Узоқ вақт давомида набирали бўлмаган ёши катта кишилар ҳамда ёш оила вакиллари кўпқари ўйини ўтказилаётган жойга келиб имкониятидан келиб чиққан миқдорда пул ёки майда ва катта шохли молларни эҳсон қилиб, эвазига фарзанд кўрмаётган кишини фарзандли бўлишини Аллоҳдан сўраб дуо қилишларини билдиради [8, дала ёзувлари]. Бакавул эса кенг оммага навбатдаги эҳсон (солим) ким томонидан қўйилаётганлиги ва мақсадни эълон қилиб, йиғилганлардан дуо қилишларини сўрайди.

Нафақат Ўзбекистон, балки бутун ислом оламида кенг тарқалган, барча мушкулликлар ечими учун ташкил қилинадиган навбатдаги маросим бу қурбонлик (худойи)дир. Қурбонлик арабча худога яқинлашиш, яъни унинг раҳм-шафқатига сазовор бўлиш учун худойўлига жонлиқ сўйишни англатади [16,619-620 бетлар]. Ислом анъанасига мувофиқ мазкур маросимда Аллоҳ йўлида катта-кичик жонлиқ сўйиб, худойи ўтказилиб, “эҳсон” ва “садақа” берилган. Зеро, эҳсон ва садақани фақат рамазон ойи ва ҳайит кунларида эмас, балки бошқа вақтларда ҳам бериш тўғрисида шаръий ва диний китобларда зарур тавсиялар берилган. Диний адабиётларда қурбонликни амалга ошириш ислом динининг кенг тарқалган маросим амалларидан бири эканлиги қайд этилган [19,225–233 бетлар]. Фарзандли бўлиш мақсадида, зиёратгоҳларда ёки шахсий хонадонларда амалга ошириладиган қурбонлик ва эҳсонлар ҳам шулар жумласидандир.

Воҳадаги қурбонлик маросимлари икки кўринишда биринчидан, аталган қурбонликни тирик ҳолатда ёки сўйиб гўштини эҳсон қилиш шаклида амалга оширилади. Биринчи кўринишдаги қурбонлик – ёш болалар ҳамда аёлларда учрайдиган касалликларни даволаш, хомиладор аёл соғ-саломат фарзандли бўлиши ҳамда оила аъзосининг сафардан омон келиши (замонавий кўриниши ҳарбий хизматга ва хорижга ишлаш учун кетишдан аввал) мақсадида ўтказиладиган “қонлаш” (кўп ҳолларда хўроз ва товуқ билан) маросими бўлиб, бунда қурбонлик учун олиб келинган қўй ёки эчкининг қулоғидан, хўроз ёки товуқнинг тожидан қон чиқариш йўли билан маросим ўтказилади [15, дала ёзувлари]. Одатда, қурбонлик учун аталган жонлиқ агар хонадон эгасининг ўз уйида қолса токи ният қилинган мақсади

амалга ошгунча тирик ҳолатда юради ва сўнг қурбонлик қилинади. Қонлаш маросимининг иккинчи бир кўринишида ушбу иримларни бажарган бахши (қушноч)га, яқин ҳудуддаги масжид ҳужрасига (асосан, рамазон ойлари) ёки ночор оилага эҳсон сифатида берилади ва шу асосида маросим ўз ниҳоясига етган ҳисобланади.

Кузатишлар натижасида аён бўлдики, воҳада кишилар томонидан ўтказиладиган Қурбонлик маросимларининг баъзи бир юқоридаги (хомталаш қилиш, қонлаш) жиҳатларида қадимий эътиқод ва анъаналарнинг исломий амаллар билан аралаш ҳолатда бугунги кунгача сақланиб қолinganлигини кўрсатади.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, аҳолининг фарзандли бўлиш мақсадида бажарадиган турли кўринишлардаги урф-одатлари ва маросимлари жараёнини таҳлил қилсак, қадимий эътиқод излари юқорида санаб ўтилган омилларнинг барчасида турлича кўринишда сақланиб қолганлигига гувоҳ бўламиз. Ўтказилган сўровномалар таҳлилига тўхталадиган бўлсак, ахборотчиларнинг аксарияти қадимий эътиқодлар билан боғлиқ жиҳатларни кўпроқ маросимларда ва муқаддаслаштирилган атрибутларда сақланишини амалда кўрсатиб беришди. Яъни, бир бутун маросим ўтказиш жараёни кузатилса, юқорида тилга олинган икки йўналишда қадимий эътиқодларнинг акс этиши кўпроқ учрашига гувоҳ бўлиш мумкин. Кузатишлар шуни кўрсатадики, маросим иштирокчиларнинг баъзи хатти-ҳаракатлари айрим, қадимий диний эътиқодлар билан боғлиқ бўлиб (тошлар устида сирпаниш, қурбонлик учун сўйилган ҳайвонлар ошиқларини сақлаш, булоқлардан чиққан предметларни башоратчилик хусусиятларига ишониш, тандир билан боғлиқ иримларни бажариш кабиларда ибтидоий фетишизм, анимизм, магия (сеҳргарлик), табиат ва аجدодларга сиғиниш, зардўштийлик каби диний эътиқодларнинг излари мавжуд), улар маҳаллий халқлар турмуш тарзида таъқиқланганлигига қарамасдан, бугунги кунгача сақланиб қолганлигини кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдулаҳатов Н. Фарғона водийси зиёратгоҳлари ва қадамжолари (Фарғона вилояти мисолида): Тар.фан. ном.... дисс. – Тошкент, 2006. – Б. 92.
2. Аширов А. Фарғона водийси аҳолиси турмуш тарзида қадимий диний эътиқодлар изи: Тар.фан. ном.... дис. – Тошкент, 2000. – Б. 19.
3. Аширов А. Этнология: ўқув қўлланма.– Тошкент: Yangi nashr, 2014. – В. 189.
4. Дала ёзувлари. Бахмал тумани Сарой қишлоғи. 2019 йил.
5. Дала ёзувлари. Ғаллаорол тумани Саъд ибн Ваққос, Бахмал тумани Новқа ота, Фориш тумани Хўжа Боғбон ота зиёратгоҳлари. 2014 – 2018 йиллар.
6. Дала ёзувлари. Жиззах (Ш.Рашидов) тумани, Сарайлик маҳалласи. 2018 йил.
7. Дала ёзувлари. Жиззах вилояти Қоплон ота, Хўжа Сероб ота, Хўжабоғбон ота, Жондаҳор ота, Саъд ибн Абу Ваққос ва Боғимозор ота зиёратгоҳлари. 2016 – 2018 йиллар.

8. Дала ёзувлари. Жиззах вилояти туманлари 2014-2020 йиллар.
9. Дала ёзувлари. Жиззах шаҳри, Наврўз маҳалласи. 2018 йил.
10. Дала ёзувлари. Зомин тумани Парпийим, Фориш тумани Хўжа Боғбон ота зиёратгоҳлари. 2014 – 2016 йиллар.
11. Дала ёзувлари. Зомин тумани, Увол қишлоғи. Парпи ойим зиёратгоҳи. 2014 йил.
12. Дала ёзувлари. Ш.Рашидов тумани, Эски Тошкентлик маҳалласи. 2018 йил.
13. Дала ёзувлари. Ш.Рашидов, Ғаллаорол ва Фориш туманлари. 2016 – 2017 йил.
14. Дала ёзувлари. Янгиобод тумани, Хўжамушкент ота зиёратгоҳи. 2014 йил.
15. Дала ёзувлари. Янгиобод, Зомин, Фориш туманлари. 2014 – 2018 йиллар.
16. Ислон. Энциклопедия. – Тошкент: ЎзМЭ, 2017. – Б. 619 – 620.
17. Миртурсунов З. Ўзбек халқ педагогикаси.–Т.: 1973. 54 б.
18. Русча-ўзбекча луғат. – Тошкент: ЎзСЭ, 1984. – Б. 417.
19. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Зикр аҳлидан сўранг. – Тошкент: Nilol нашриёт - матбаа ижодий уйи, 2016. – Б. 225 – 233.

КЎХИТАНГТОҒ ҚИШЛОҚЛАРИДА КЎПКАРИ ЎЙИНЛАРИНИНГ ЎТКАЗИЛИШИ

Умаров Икромжон Ибрагимович

*Термиз давлат университети
Жаҳон тарихи кафедраси
илмий тадқиқотчиси*

Аннотация: Ушбу мақолада муаллиф илмий адабиётлар ва дала тадқиқотларига асосланиб, Сурхондарё вилоятининг тоғли Кўхитанг қишлоқларида кўпқари ўйинларининг ўтказилиши билан боғлиқ удумлар, маросимлар ва ирим-сиримлар ҳақида баён қилади.

Калит сўзлар: кўпқари, улоқ, чопагон, соврин, кигиз, куркурай қуши.

Аннотация: В данной статье автор, основываясь на научной литературе и полевых исследованиях, описывает обычаи, ритуалы и суеверия, связанные с проведением игр купкари в горных селах Кухитанг Сурхандарьинской области.

Ключевые слова: купкари, улок, чопогон, приз, войлок, птица куркурай.

Abstract: In this article, the author, based on scientific literature and field research, describes the customs, rituals and superstitions associated with the holding of Kupkari games in the mountain villages of Kuhitang, Surkhandarya region.

Keywords: kupkari, ulok, chapagon, prize, felt, kurkuray bird.

Кўпқари - туркий халқларда кенг тарқалган ўйин бўлиб, ўзбек халқининг энг катта томошаси ҳисобланади. У никоҳ ва суннат тўйларида, Наврўз